



## “ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”: 3-ЧИ ҲАФТА ВАРАҚАСИ



Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг  
МУРОЖААТИ

Ҳурматли ватандошлар!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақачамизни мамлакатимизда тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. 7 кун мобайнида ЎХХ логотипи ва пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг “Зулм ҳам қилманг, зулмга рози ҳам бўлманг” ҳадиси шарифи акс этган варақаларимиз Тошкент кўчаларида тарқатилгани ҳақида қатор хабарлар олдик.

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг учинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга навбатдаги варақачамизни тақдим этамиз. Учинчи ҳафта варақасида ЎХХ логотипи остида “ЎЗБЕКИСТОНДА ГАЗ ЗАҲИРАЛАРИ ВА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ КЎП БЎЛАТУРИБ, НЕГА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ГАЗ ВА СВЕТ ЙЎҚ? МАҚСАД ЎЗБЕКНИ ЭЗИБ, ҚИРҒИН ҚИЛИШМИ?” деган риторик саволни беришни маъқул топдик.

Бу сафарги варақачамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимизга сабаб юртимизнинг қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ватандошлари-

миз кишининг бугунги совуқ кунларида газсиз ва светсиз азоб чекаётганидир. Албатта, юртдошларимиз қаҳратон кишини газсиз ва светсиз ўтказаятгани маиший, нари борса, иқтисодий муаммодир.

Аммо, ушбу маиший муаммонинг негизида сиёсий муаммолар ётганини унутмайлик. Шунинг учун ҳам, варақачамиздаги риторик саволнинг иккинчи қисми “МАҚСАД ЎЗБЕКНИ ЭЗИБ, ҚИРҒИН ҚИЛИШМИ?” шаклида қўйилган.

Дарҳақиқат, ўзбек ўз газ конлари-ю захираларига, кўплаб электр станцияларига эга бўла туриб, нега 21 асрда ҳам тезак ва ўтин ёқиб кун кечирмоқда? Хитой ва Россияга сотилаётган ўзбек газидан, Афғонистонга сотилаётган электр қувватидан тушган пуллар қаяққа кетмоқда, кимнинг чўнтагига тушмоқда?

Юртдошларимиз фаоллик кўрсатиб, ушбу варақачани кенг тарқатишса, балки, марказдаги ва жойлардаги мутасаддилар қимирлаб, бу муаммоларни сал бўлса ҳам ҳал қилишга киришарлар. Мадобо, улар шундай қилишмаса ҳам, варақачамиз тинмасдан тарқатилaversа, ҳеч бўлмаганда уни ўқиган ватандошларимизнинг қалбига етиб бориб, улардаги сиёсий фаолликнинг ошишига сабабчи бўламиз.

Келинг, шу вазиятда, биз, оддий ўзбекистонликлар, халқимизни қийнаётган ана шу катта муаммони кўтариб, “ЎЗБЕКИСТОНДА ГАЗ ЗАҲИРАЛАРИ ВА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ КЎП БЎЛАТУРИБ, НЕГА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ГАЗ ВА СВЕТ ЙЎҚ? МАҚСАД ЎЗБЕКНИ ЭЗИБ, ҚИРҒИН ҚИЛИШМИ?” деган саволларни юртдошларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиксак, биз нафақат озодлигимиз учун жонбозлик кўрсатган бўламиз, балки ўз маиший ҳақ-хуқуқларимизни ҳам талаб қилган бўламиз.

**Азиз юртдошлар!**

Қуйида ҳавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштири-

ётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, агрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узоқ сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложига бориб тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложига бориб тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Аслида, юқорида кўтариб чиқилган саволларда ҳам, ЎХХ логотипида ҳам Ўзбекистондаги қонунларга зид ҳеч нарса йўқ! Аммо шундай бўлса ҳам, эҳтиёткор бўлиш зарар қилмайди. Чунки Каримов режими хатто “Қорнимиз оч” деган ёзувдан ҳам кўрқингани, шундай оддий ҳақиқатни ёзганларни ҳам қамашга шай турганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Ўзимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотипи туширилган ва “ЎЗБЕКИСТОНДА ГАЗ ЗАҲИРАЛАРИ ВА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ КЎП БЎЛАТУРИБ, НЕГА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ГАЗ ВА СВЕТ ЙЎҚ? МАҚСАД ЎЗБЕКНИ ЭЗИБ, ҚИРҒИН ҚИЛИШМИ?” деган риторик савол битилган навбатдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмакдош бўладилар, деган умиддамиз.

*Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг  
ташвиқот бўлими  
2013 йил 21 январ*

Швециянинг Teliasonera телеком ширкати фаолиятини текшираётган Стокгольм маҳкамаси Гулноар Каримовага яқин шахсларга тегишли ва расман Гибралтарда жойлашган Takilant ширкатининг 1,8 миллиард швед крона (276 миллион доллар) миқдоридagi маблағини музлатиш ҳақида буйруқ берди. Швеция прокуратураси Ўзбекистондаги Ucell нинг эгаси бўлган TeliaSonera ни ўзбек лицензияси учун Takilant



лотларининг матбуотга сизаётганидан норозилик билдирган. Катта қисми Швеция ва Финляндия ҳукуматларига тегишли TeliaSonera ширкати Ўзбекистон телекоммуникацион бозорига кириш учун президент Ислоҳ Каримовга яқин шахслар, хусусан Гулноар Каримовага 320 миллион доллар пора берганига оид айбловлар илк бор ўтган йилнинг сентябр ойида Швеция жамоатчилик телевидениеси

## БАРИБИР БУЮРМАДИ: ШВЕЦИЯ СУДИ Г.КАРИМОВАНИНГ 276 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИНИ МУЗЛАТИШГА БУЙРУҚ БЕРДИ

тимсолида Гулноар Каримовага яқин шахсларга пора беришда айблайди ва 2012 йил октябрида маҳкама Takilant ширкатининг 30 миллион долларга тенг маблағини музлатиш ҳақида қарор чиқарганди. TeliaSonera 2007 йил июл ойида Ўзбекистондаги Coscom уяли алоқа оператори улушларининг 74 фоизини

қарий ярим миллиард АҚШ долларига сотиб олган эди. Кейинчалик Ucell дея номи ўзгартирилган ширкатнинг 26 фоизига эгаллик қилган Takilant Ltd. ширкати яна 20 фоизлик улушни 2010 йилда 320 миллион АҚШ долларига сотган. Ўтган йил охирида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Швеция Ташқи ишлар вазирлигига нота йўллаб, тергов тафси-

намоиш қилган “TeliaSonera – ўзбек иши” ва “TeliaSonera ва Диктаторнинг қизи” номли ҳужжатли филмларда илгари сурилди. Гулноар Каримованиннг ўзи ҳозирга қадар Швециядаги текширувлар борасида бирор гап очиклай олганича йўқ.

ЎХХ хабар маркази

## КУРАШ ДАВОМ ЭТАРКАН...



Кеча ЎХХ тузилганидан кейин деяри 2 йил ўтиб биринчи марта сайтимиш ишламай қолди. Ҳақиқий муҳолифатнинг, жамият ва давлат тараққиётида ўрта, мўтадил йўлни танлаган ҳаракатимизнинг аъзолари, хайрихоҳлари ва ЎХХ нинг фаолиятига қизиққан ҳамюртларимиз ташвишга тушиб қолдилар кеча... Улардан биз билан интернет ва телефон орқали алоқа қилган сон саноксиз ўқувчиларимиз “Нима бўлди ЎХХ сайтига”, дея сўрадилар...

Бунинг сабаби сифатида сўнгги ойларида ЎХХ тарғибот ва ташвиқот ишларининг жуда катта суръатлар билан Ўзбекистонда ўз таъсирини кўрсата бошлаганини айтишимиз мумкин.

Бундан уч ҳафта олдин бошланган “Зулмга қарши варақалар” тарқатиш чақириғимизга бутун Ўзбекистон бўйлаб амалий жавоблар келди. Ҳозир Тошкентда ЎХХ варақалари ҳақидаги миш мишлар кенг ёйилиб бормоқда...

“Одноклассники” гуруҳимизнинг аъзолари сони 25000 кишидан ошиб кетди ва бу гуруҳимизга ҳар куни юзларча ҳамюртларимиз аъзо бўлмоқдалар. Бу гуруҳимиз ҳақиқий

маънода сўз ва фикр эркинлиги, баҳсу мунозаралар, савол жавоблар, ЎХХ нинг ишларига амалий ёрдам беришни истайдиганларнинг сиёсий майдонига айланди.

ЎХХ сайтида сиёсатшунос Усмон Ҳақназаровнинг сўнгги кунларда эълон кетма кет эълон қилинган “Гулноара Каримова Рамзон Қодиров билан нега учрашди?” номли мақолалар туркуми ўқувчиларимизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Бу мақолаларни ҳар куни мингларча ўқувчиларимиз ўқидилар...

Эркинлик ва адолат томон отилган бундай жиддий қадамлар диктатор Ислоҳ Каримов ва унинг малайларини талвасага солиб қўйгани бир ҳақиқатдир. Натижада ЎХХ сайтига кеча ҳужум уюштирилди ва у қисқа муддатга ишламай турибди ҳозирча...

Бу айтни пайтда Золимнинг чиркин юзи ва зулмининг қора юзини кўрсатадиган далил ҳамдир. Аммо бу машҳур Золим ҳам, унинг зулми ҳам қариди, қартайди ва ниҳояси кўриниб қолди... Шунинг учун ҳам талвасага тушмоқда, ўзини ҳар томонга урмоқда, ўзини ўзи дучор қилган “маразм” вирусини уни омонсиз шаклда ўзи қазиган ва чиқиб бўлмас жарликка судраб бормоқда...

Эркинлик ва Адолат кунлари яқиндир, дўстларим!

Шундай экан, сиз ҳам ЎХХнинг Ҳақ йўлдаги курашига қўшилиң!

Куни кеча эълон қилганимиз сафарбирликда сиз ҳам иштирок этинг!

ЎХХ нинг варақаларининг мамлакатимизда тарқалишига ўз хиссангизни қўшинг!

ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси ва мувофиқлаштирувчиси

Намоз Нормўмин  
24 январь 2013 йил

## ИРОҚДА ҲАМ БАҲОР БЎЛАДИ



Ироқда сунний мусулмонларнинг шиа ассли Бош Вазири Маликийнинг ҳукуматига қарши норозилик намоишлари давом этмоқда.

АҚШ ва НАТО басқинчилиги натижасида Ироқда диктатор Саддам Ҳусайн ағдарилиб, унинг ўрнига шиа ассли диктатор Маликий келтирилганди.

Аммо бу диктатор фақат ўз ботил эътиқоди тарафдорларининг манфаати учун сиёсат олиб бориши натижасида марказий ҳукумат билан мамлакат шимолидаги курд автономияси раҳбарлари ўртасида келишмовчиликлар ўртага чиқди.

Бу низо ҳукумат аскарлари билан курд қўшинларининг ўзаро тўқнашувига бориб етди.

Бу орада Ироқ Президенти Талабоний миясига қон қуйилиб, оғир аҳволда Олмонияда даволанишга олиб кетилди.

Ироқ шиаларининг энг обрўли раҳбарларидан оятуллоҳ Муфтада Ас Садр ҳам мамлакатдаги вазиятнинг “баҳор”, яъни халқ инқилоби билан натижаланиши мумкинлигидан бир неча ҳафта аввал огоҳлантирганди.

ЎХХ Ахборот Маркази  
25 январь 2013 йил

Яқинда Россия Либерал-демократик партияси (ЛДПР) раҳбари Владимир Жириновский Давлат Думасида қилган нутқида ва бир қатор маҳаллий ахборот воситаларига берган интервьюларида: “Россия Марказий Осиёни қўлдан бой бермайди. Биз бу минтақага қайтишимиз керак”, – деган фикрларни бот-бот такрорлади. Ҳамма жойда фақат шу фикр, шу гап. Нега энди Жириновский шу фикрда “ботиб” қолмоқда? Нахотки, “Жирик”нинг миясидаги “пластинкаси” бир жойда қотиб қолган бўлса?

даги Россия сиёсий раҳбариятининг Ўзбекистон президенти Ислам Каримовга қаратилган таҳдидларидир. Чунки Ўзбекистоннинг кўшниларига текин қурол-аслаҳа тарқатаётган Россия аллақачон Тожикистон ва Қирғизистонга қайтиб келиб бўлган.

Авом халқнинг кўпчилиги Владимир Жириновскийни масхарабоз ва аҳмоқ демагог деб билади. Аммо Олма-Отада туғилиб ўсган Владимир Вольфович олдиниға олий ўқув юртининг шарқшунослик факультетини (турк филологияси бўлимини), кейин



## ЖИРИНОВСКИЙНИНГ ИДДАОЛАРИ КАРИМОВГА ҚАРАТИЛМАГАНМИ?

Владимир Жириновский марҳум Ельцин пайтлариданок Россия ҳукумати кўлидаги “гапирадиган кўғирчок” эканини, рус президентлари ўзларининг хорижлик ҳамкасбларига дипломатик мақоми туфайли ошқора айта олмаган гапларни ана шу “гапирадиган кўғирчок” орқали етказишни ҳисобга олсак, “Жирик”нинг сўнгги нутқлари аслида кимга қаратилганини пайқаш қийин эмас.

Менимча, ЛДПР раҳбарининг “Биз Марказий Осиёга қайтамыз”, – деган гаплари Владимир Путин бошчилиги-

эса юридик факультетини битирган туркшунос филолог ва юрист эканлигини, собиқ Иттифок даврларида КГБдек йиртқич ташкилотга ишлаганини, кейин эса унинг Россиядаги меросхўри ФСБга хизмат қилаётганини унутмаслик керак. Мисол учун, совет даврида “Жирик” КГБнинг топшириғи билан узоқ йиллар Туркия ва Ироқда ишлаганини олайлик. Ироқда “хизмат” қилган даврда Жириновский бир неча бор ушбу мамлакатнинг марҳум диктатори Саддам Ҳусайннинг қабулида бўлган.

КГБнинг изни ва ёрдамисиз од-

дий шарқшунос улкан бир мамлакат раҳбарининг нафақат қабули, балки резиденциясига ҳам яқинлай олмаслигини кўпчилик билади. Шундай экан, “Жирик” оддий лўттибоз эмас. Шундай экан, у томонидан яқинда Давлат Думасида ва бир қатор рус оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё ҳақида айтган гаплари аслида Россия президенти Владимир Путиннинг иддаоларидир. Бу иддаолар эса тўғридан тўғри “абдий хон” Ислам Каримовга қаратилганига шубҳа йўқ.

Абдурахмон САИДОВ



## “ТАҚДИР”ГА РОЗИ БЎЛМАНГ

Ўзбекистон 1991 йилда Совет Иттифоқидан ажралиб чиқди ва бугунги кунларида ҳам оёққа тура олмай сарсон бўлаётган бир мамлакат сифатида қолмоқда. Мамлакатни идора этиш – бу мамлакат халқи устидан ҳукмронлик қилиш дегани эмас, деб қарасак мутлоқ тўғри ғояни илгари сурган бўламиз. Лекин на Ўзбекистон ҳукуматида ва на бу мамлакат халқида эл тақидири учун қизиқиш бор. Ҳамма бараварига тирик қолиш, қандай қилиб бўлмасин, бугунги ғаддор бир даврда бўлсин, яшаб қолишга интилиш ҳисси кучли. Ўлим келганида эса ҳаммамиз баробарига ундан рози бўлиб қўя қоламиз. “Худо бизни шундай яратган экан” дея ўзимизни овутишга одат қилдик. Ҳа, ўзбеклар учун қаттиқ синовлар айнан ўша ўзимиз алқайдиган 1991 йил, Мустақиллик эълон қилинган йилдан бошланганди. Унгача бизнинг тақдиримизни Москва ҳал этарди ва фақат ундан нажот кутишга одатлангандик. Тақдир ҳазилини қарангки, энди Москва биз билан мутлоқ қизикмайди ва биз эса ўз тақдиримизни ўзимиз белгилай олмаймиз. Мустақилликдан илгари Москва тақдиримиз учун масъул бўлган бўлса, эндиликда бизнинг тақдиримизга масъуллар сони кўпайиб кетди.

Лекин бу “масъуллар” тақдиримиз устидан ўз манфаатларини қурадиганлар бўлиб чиқаяпти. Бирови Афғонистонга ўтиб қайтишни ўйласа, бошқиси арзон пахта манбаасига эга бўлишни орзу қилади. Яна кимлардир эркин ҳаракатланадиган наркотик трафигини, бошқа бировлар эса арзон уранни, олтинни ва ҳоказо-ҳоказоларни истайди. Аммо уларнинг бирортасида ўзбек халқи келажаги учун қайғуриш аломатларини кузатмаймиз. Ўша абгор ва ўша бечора халқ илгаригисидан ҳам абгорроқ ва бечорахорроқ аҳволга келган. Фақат бир неча муттаҳамлар учунгина яхши бўлди, холос. Ўзгалар бадбахтлиги устидан ўз бахтини қуришдан хайқимайдиган инсонлар пайдо бўлди ва агар бугун ўзбекни бир тана деб қарайдиган бўлсак, улар ўша танада чиққан чипқонга ўхшаб моддалаб ётибди. Мустақилликдан сўнг ўзбекларни дунёнинг барча мамлакатларида учратишимиз мумкин бўлиб қолди. Россиядан мустақил бўлдик, дея дўппимизни осмонга отибмиз-у, тагин Россияга қул бўлиб қолибмиз. Йигитларимиз ўз йигитлик ғурурини, ор-номусини ҳам бир четга улоқтириб Россия ҳудудларида мардикорлик қилиб келаяпти. Мардикорлик билан уйда қолган оилалари ва болаларига пул юбораяпти. “Тирикчиликнинг айби борми?” деб ўзимизни овутамиз тагин. Ўзбекистон колонияларида меҳнат қиляпман, деб минглаб ўзбекларни қийноққа тутиб нон топаётганлар ҳам айни шундай фикрда эканлигини ёдда тутиш керак. Улар ҳам “тирикчиликнинг айби борми?” дейишмоқда ва, керак бўлса, ўзбекнинг боласини қайноқ қозонларга ташламоқда.

Инсониятнинг ўтмиш тарихидан маълумки, фақат тирикчилик учунгина интилиб яшаган халқлар ҳамма вақт турли туман қаттолларнинг қурбонларига айланган. Оддийгина бир мисол сифатида яҳудийларни кўрайлик. Улар дунёда энг кўп қатагон ва камситишларга учраган халқ саналади. Бундай олиб қарайдиган бўлсак, улар учун ер юзида жой йўқдек. Уларни Яқин Шарқдаги тарихий ватанларидан қувиб юборишди. Дунёнинг турли мамлакатларига сочилиб кетган яҳудийлар янги ватанларида бир неча аср яшаб келдилар ва Гитлер Германияси даврида тагин қатагонга учради. Улар ҳам худди бугунги ўзбеклардек тирикчилик учунгига яшаб келаётган халқ эди. Гитлер ва унинг “минг йиллик рейхи” яҳудийлар устидан мисли кўрилмаган қатагонни ўтказди. “Минг йиллик рейх” бор-йўғи 1934 йилдан 1945 йилгача яшади, холос. Эндиликда яҳудлар Яқин Шарқдаги кичик, аммо қудратли бир мамлакат соҳиби ва дунёда ўз сиёсатини ўтказа оладиган бир халқ бўлиб олишди. Яҳудлар бунга фақат бир мақсад атрофида бириқиб эришдилар. Эътибор беринг, яҳудкоммунист бўладими, диндорми, ёки динсиз, борингки ким бўлишидан қатъи назар, у яҳудий ва уни ҳеч бир яҳудий ўзидан бегона қилмайди. Негадир биз ўзбеклар бир-биримизни ҳақорат қилишимиз керак. Масалан, у биздан эмас дегандек. “У демократ, биздан эмас”! “У даҳрий, демак биздан эмас”! “У мусулмон, демак экстремист, биздан эмас”! Хуллас, ўзбек деган миллатга назар ташласак, бир-бирининг кўзига чўп суқадиганлар эканини пайқаш қийин эмас.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми : Боши олдинги саҳифада)

Бу аччиқ ҳақиқат, бировга ёқадими ёки йўқ, бундан қатъий назар ўзимизни ҳалок қилаётган аччиқ ҳақиқат бу! “Тирикчиликнинг айби борми?” дея ўз йигитларимизни тириклайин қайнок қозонга ташлаётганлар ҳам ўзбеклар ахир. Бир ёки бир неча ўзбекни ҳали Қозоғистонга, ҳали Россияга қул қилиб сотиб юбораётганлар ҳам ўзимизнинг ўзбеклар. Бирови бошқа бировини алдаб пулини, ёки бошқа бир кўринишдаги бойлигини ўзлаштириб кетаётганлар ҳам ўзбеклар.

## “ТАҚДИР”ГА РОЗИ БЎЛМАНГ

Гўёки, бизнинг миллат фақат ўзини ўзи алдайдигандек, аммо бошқа миллатлар, бошқа халқлар олдида бош эгиб таъзим қилишга одатлангандек. Чунки биз бошқаларга итоат қилиб келамиз, аммо ўзимизга қолганда фақат хиёнат қиламиз! Шу тақдирга рози бўлиб қолганимиз эса ўзимизга ўзимиз қабан бичганимиз ва жаноза ўқиганимиз демакдир. Ҳукумат бизни озод бир инсон сифатида кўрмапти. Ҳуқуқларимизни оёқ ости қилиши, пора эвазига бола-чақамизнинг оғзидаги лужмасини ҳам тортиб олиши давом этаяпти. Қачонки ҳукумат ўз халқини қул деб ҳисобласа – бу хатарли, лекин яна-да хавфли, қачонки халқнинг ўзи ҳам ўзини қул деб билса. Олдинда эса сайловлар. 2015 йилда Ўзбекистонда янги сайловлар ва унда диктаторнинг кизи ҳокимиятни ўз қўлига олиши аниқ! Бу дегани, у ҳокимиятни бошқариб кетади дегани эмас. Умуман Ўзбекистонни Гулнора Каримова бошқара олмайди, аммо ҳокимият тепасига келиши аниқ. Халқимизнинг кейинги қисмати нима бўларкин? Бу ҳақида қайғуришимиз керакми ахир? Йўқ! Биз чет элдамиз ва Ўзбекистон энди бизга “бегона”. Фақат бир кун келади, шу ақидамиз учун ҳар биримиз бирма-бир пушаймон бўламиз. У қунда ўлим эшик қоқиб келади ва биз Ўзбекистонда дафн этилишни орзу қиламиз. Ҳукумат эса бизнинг жонсиз танамизнинг ҳам ватанда дафн этилишига изн бермайди. Шунини ўйлапмизми? Ўйласак икки йўлдан бирини танлаш керак. Бир: Каримов кланига қул бўлиб хизмат қилиш ва муҳолиф фикрлардан бутунлай воз кечиш. Бунда келгуси авлодлар ҳам ҳуқуқларидан маҳрум яшайдилар ва улар ҳам қул деган бир тамғани калбларида муҳрлаб ўтиб кетишади. Иккинчиси эса, Ватани диктатура зулмидан озод қилиш йўлида сайъ-ҳаракат. Бунда мақсад сари интилишнинг ўзи ҳам диктатор ҳукуматини зириллатиб қўяди. Озод Ватанга эришилгандан сўнг эса келгуси авлодлар эркин яшайди ва Ўзбекистонни овод қилади. Бироқ чет элларда ҳам клан хизматига ўтганлар ҳам топилапти. Бу клан хорижда юрганларни ҳам ўлимга маҳкум этаётгани ҳоллари бор. Масалан, Обид қори Назаровни отиб кетишганлари каби. Ўзбекистон МХХ (Миллий Хавфсизлик Хизмати)га қул бўлиб юрган сексотлардан бирининг компютеридан шундай маълумотлар чиқдики, Обид қори Назаров режим мўлжалга олган сўнги курбон эмас экан. Олдинда ҳали отилиши керак бўлганлардан Муҳаммадсолиҳ Абутов,

Шамсиддин Атаматов, Намоз Нормўмин каби режимга итоатсизлар ҳам турибди. Сексот эса бемалол, оёғини узатиб Европа китъасида яшайпти. Демак, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп ва унга ҳамма бир тан, бир жон бўлиб киришиши лозим. Кимдир айтади: тақдир Аллоҳдан ва уни ўзгартириб бўлмайди ва бошига не келса, шунини тақдир деб рози бўлаверади. Йўқ, бу ёлғон гап! Ҳар ким ўз тақдирини ўзи белгилайди ва ўзи ҳал қилади. Акс ҳолда Аллоҳнинг ўзи бизни ақлсиз бир мавжудод қилиб яратган бўлмасми?

Мамлакат ёшлари – мамлакатнинг келажакдир. Уларнинг аксари бугун мардикор! Ўзбекистон ёшларининг Россияда мардикорлик қилиб юганини яқинда ҳукмдорнинг ўзи ҳам тан олди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил йил якунларига доир йиғинида гапирган Президент иқтисодий ўсишга доир кўп рақамларни ўқиб бериш билан бирга, жойларда ёшларнинг иш тополмай, сарсон бўлаётганлари ва меҳнат муҳожирилиги муаммоси борлигини ҳам эътироф этиб ўтибди. Ислоом Каримовнинг айтишича, ёшларимизнинг Россияда фаррош бўлиб югани шармандалик ҳол экан. Ажиб! Ҳукмдорга энди ақл кирибдими? Аслида йўқ! Аслида ҳукмдор янги бир қатағонни бошлаш олдида турибди. Бу қандай кечини ҳозирдан айтиш мушкул, балки яна порглашлар “содир бўлиб” унинг оргидан муҳолифатчилар ва уларга хайрихоҳлар қамоққа ташланар. Балки “кимлардир” қайсидир бир миллат устига бостириб бориб, қатта жанжал чиқиб қолар. Хуллас МХХ даги казо-казоларнинг бошларига нелар келишини олдиндан башорат қила олмаймиз. 2015 йилда ҳокимият жиловининг Гулнора Каримовага ўтказиш эса осон кечмайди. Ҳали Такилланд билан, пул ювишлар билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини топамаган. Янги президент ҳамма нарсани “янги саҳифадан” бошлаши учун ҳам бу каби кўп рақам масалалар ўз ечимини топиши керак. Ўзбекистон алоқа ва ахборот вазирлиги, ҳамда бошқа шу билан боғлиқ бошқа системаларда ишлаб келганлар бу шов-шувли воқеада айбдор қилинсалар керак. Ҳар ҳолда, охурга яқин турганлари. Албатта бунда Ғарбни ҳам ишонтириш зарурати пайдо бўлади. Акс ҳолда порахўр деб кўрсатилган шахсни Ўзбекистоннинг обрўли президентини дея қабул қилишмайди. Шундай экан, Такилланд ва Гулнора Каримова, ҳамда Гаёна Авакян атрофидагилар жонларини асраб қолиш йўлини излаши керак. Улар айбдор қилинадилар. Ким билсин, бу одамлар ҳам тақдир экан, деб рози бўлиб қўя қолишадими, ёки жуфтакни ростлаб қолишадими? Балки хурфикрлик инсонлар тарафига ўтар, ҳар ҳолда ўзларида журъат топишса. Халқимизнинг яқин ўтмишдаги кечинмалари ва келажакда бошига келадиган янги офатлар учун фақат Ислоом Каримовни айбдор деб қараш нотўғри. Унда ҳар бир ўзбекнинг ва ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳам айби бор. Айбимиз, Каримов солган шу “тақдир”га рози бўлганимиз.

Тўлқин Қораев

## САФАРБАРЛИККА ЧАҚИРИҚ

Кейинги вақтда ҳаракатимизга бўлган қизиқиш Ўзбекистонда ва хорижда катта суръатлар билан ошиб бормоқда. Бунда албатта сизларнинг ҳам кўп ҳиссаларингиз бор. Аллоҳга ҳамд айтиб кейин сизларга ташаккур айтиш билан бирга ҳаммамиз ҳаракатимизга қўшаётган ҳиссаларимизни янада ортиришимиз керак бўлади. Шунда Ўзбекистондаги диктатура зулмидан иншаллоҳ ҳаммамиз қутуламиз...

Бизга мактуб ёзаётган кўпгина дўстларимиз ўзларига аниқ вазифалар берилишини айтаётганларини ҳисобга олиб,

Бугун сизларга ушбу вазифаларни эслатмоқчимиз:

1. Аввало ўзингиз ЎХХ ғоя ва мақсадлари билан яхши танишиб ҳар куни энг камида 10 кишининг интернет орқали танишишига ҳисса қўшинг. Бунинг учун ушбу линкдан фойдаланинг:  
<http://www.uzxalqharakati.com/archives/12935>
2. Айти шаклда ЎХХ сайтини ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
[www.uzxalqharakati.com](http://www.uzxalqharakati.com)
3. Однокласники гуруҳимизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati>
4. Фейсбук сайтимизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://www.facebook.com/uzxalqharakati>
5. Твиттер гуруҳимизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://www.twitter.com/uzxalqharakati>
6. Маил ру гуруҳимизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://my.mail.ru/community/uzxalqharakati>
7. Китобларимизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://www.uzxalqharakati.com/kitoblar>
8. Эркин Юрт газетамизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://www.uzxalqharakati.com/gazeta/>
9. Туркистон ТВ ва радиомизни ҳар куни энг камида 10 кишига танитиш  
<http://turkiston.tv/radio/>  
<http://soundcloud.com/turkistontv>
10. ЎХХ нинг ҳар ҳафта зулмга қарши варақаларини ўзларингиз тарқатишларингиз ва бу ишга фақат ўзларингиз шахсан ишонадиган кишиларни жалб қилишингиз.  
<http://www.uzxalqharakati.com/archives/16002> (варақалар ҳар ҳафта янгиланади).

Ушбу вазифалар ҳар куни сиздан кўпи билан ярим соат вақт ажратишингизни талаб қилиши мумкин. Аммо бунинг савоби ва самараси ўзингизга, фарзанларингизга ва бутун халқимизга ЭРКИНЛИК, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АДОЛАТ сифатида қайтиши муқаррардир. Сизни бу САФАРБАРЛИКГА қатнашишга ва халқимизнинг Ислоом Каримов ДИКТАТУРАСИДАН тезроқ қутулишига ўз ҳиссангизни қўшишга чақирамиз.

ЎХХ Тарғибот Бўлими

## СЎХ ҲАНУЗ ҚАМАЛДА, КАРИМОВ ЯНА ВАЪДА БЕРИШДА

Ислом Каримов 18 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида ҳеч қандай сиртки кучлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон халқлари ўртасига адоват уруғини сепа олмайди, дея таъкидлади. Давлат раҳбари қўшнилар билан зиддиятларни келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этишга ваъда берди. Президентлик лавозимига ўтирганидан буён бу унинг нечанчи ваъдаси ҳамда 20 йилдан ортиқ муддат бериб келайтган ваъдаларининг қай бири амалга ошгани ҳақида лом-мим дейилмади.

“Ушбу муаммолар фақатгина бизга тааллуқлидир. Бирок шундайлар борки, улар орамиздаги зиддиятни кескинлаштиришни хоҳлашади. Ва улар бизга маслаҳат берадилар: “Мана улар сизларга қарши бундай қилишди, сизлар ҳам уларга жавобан зарба беринглар”, деб. Ва бу каби диверсанти-маслаҳатчилар жуда кўп. Нега деган савол туғилади? Оддий халқ буларнинг барчасидан хабардор ва бу ҳақда биздан кўпроқ нарсани билади” дея Каримовнинг нутқини келтиради са-news.org. Ўзбекистонда оддий халқ нафақат Каримовга кимлар нима маслаҳат бериши, ҳатто Сўх муаммосининг мавжудлигидан ҳам мутлақо беҳабар тутиб келинишини инобатга олсак, Оқсарой ҳокими қайси оддий халқ ҳақида баҳс этаётгани тушунарсиз.

“Гап шундаки, Марказий Осиё минтақасида 5та суверен давлат жойлашган, ва биз уларнинг суверенитети ва мустақиллигини, ўзимизни ҳурмат қилгандек ҳурмат қиламиз. Агар гап бизнинг динимиз – ислом ҳақида, умуман кадриятларимиз хусусида кетса, бизни ажратувчи кучнинг ва имкониятнинг ўзи йўқ” деди яна Каримов. Бошқача қилиб айтганда, қўшнилар билан юзага келтирилган муаммоларда дарҳол динимиз Ислом эканини ва қандайдир мавҳум “кадриятлар”ни эслаб қолиши одат тусига кирган. Аммо ўша қўшнилар билан чегараларни миналар билан тўлдириб, ёки бутун чегара бўйлаб ҳандак қазиб чиқиш қандай кадриятларга асосланишини ҳам айтмади.

Каримов ўз чиқишида яна шундай деган:



“Бирок шундай ташки кучлар борки, улар орамизда адоват алангасини ёқиб, буни четда туриб кузатишни, ва бу англашилмовчиликларда ўзимиз билан ўзимиз оворда бўлиб қолиб, тараққийётган ортда қолишимизни, Ўзбекистон, Қирғизистон ёки Тожикистонга, жами бутун Марказий Осиёга ҳеч қандай инвестициялар келмай қолишини исташади. Бизни тиламчиларга айланиб қолишади, ўз махсулотларини ишлаб чиқариш қувватини бой бериб қўйишади, ва бизнинг махсулотларимизни сотиб олишга мажбур бўладилар дея фикр юритишади. Тушунарсизларми нима ҳақида гапирётганимни, яхши фаҳмлаб турибсизлар буни. Буларнинг асосида нималар ётибди? Ҳеч ким уларни диверсияга оид кучлар деб атаётгани йўқ. Улар шунчаки ёрдамчилар, воситачилардир. Биласизми даллоллар қаерда керак – бозорда, улар савдогарларни ўзаро мурасага келтирадилар. Сиёсатдаги воситачилар бўлса ўз манфаатларини кўзлашади”. Каримовнинг “сиёсатда ҳамма ўз манфаатини кўзлаши” ҳақидаги сўнги жумласи ҳукумат йиғилишидаги депутатлар учун дарҳақиқат муҳим кашфиёт бўлгани шубҳасиз. Зеро Сўх каби кичик бир анклав масаласида ҳануз бирор тайинли позиция билдира олмаган давлат раҳбари бу билан ўзига қандай манфаатлар чиқариши ҳақида бош қотиришга ундаши керак депутатларни.

“Мен очик айтиб қўйишим керак, бу минтақада тинчлик, ўзаро ҳурмат бўлмоғи лозим. Биз минглаб йиллардан буён қирғизлар, тожиклар, туркманлар ва козоклар билан ёнма-ён яшаб келганмиз. Ва бизни ҳеч ким ажрата олмайди”, – дея таъкидлади Ислом Каримов. Аммо унинг бу гапларига мутеъ депутатлар тугул, ҳатто Каримовнинг ўзи ҳам ишонмаса керак.

ЎХХ хабар маркази

## МУСТАКИЛЛИГИМИЗНИ 24 ЙИЛЛИГИГА

Йигирма тўрт йил халқим машаққат кўрди,  
Йигирма тўрт йил халқим риёзат кўрди,  
Бу йилларни оз деманг эй инсонлар,  
Йигирма тўрт йил халқим разолат кўрди.

Ишонмасангиз келинг юртимизга,  
Бир бор яшаб кўринг биз билан бирга,  
Шунда амин бўласиз ушбу сўзларга,  
Йигирма тўрт йил халқим сиёсат кўрди.

Иймонини халқим бой бериб қўйди,  
Имомлар минбарни жой қилиб қўйди,  
Халқимни оғзини беркитиб қўйди,  
Йигирма тўрт йил халқим сукунат кўрди.

Хар йили икки ой бўлди мардикор.  
Бутун далаларга тўлди пахтакор.  
Етмиш йил азоби қилмади ҳеч қор.  
Йигирма тўрт йил халқим зироат кўрди.

Нима қилишмоқда олим фозиллар,  
Ҳақиқатни айтинг ёзиб хазиллар,  
Бўлди қилгин энди ифлос разиллар,  
Йигирма тўрт йил халқим укубат кўрди.

Инсоний ҳуқуқи паймол бўлди-ку,  
Дардини айтолмай сарсон бўлди-ку,  
Водийлик айтишга мажбур бўлди-ку,  
Йигирма тўрт йил халқим жиноят кўрди.

Водийлик

## “ҲУШЁРЛИК”

Азиз ватандошлар..! Азиз ўзбек халқи..!

Мен сизларни бугунги кунда ҳушёрликка қақирмоқчиман. Зеро, ҳушёрлик олдинда турган фавқулотда юз берадиган ҳодисаларнинг олдини олади, Инша Аллох.

Золим диктатуранинг тўсиқларини, халққа келтираётган қийнчиликларини, хар-хил фитналарни, телевидениеда тинимсиз узатилаётган бўхтон ва пропагандасига ишонмай атрофга ҳушёр ва теран назар билан боқиб, бу ҳодисаларга тайёр туришларингни сўрайман.

Чунки бугунги ҳукумат бузуқ нафсини қондириш ва ҳокимиятнинг қўлдан бой бермаслик йўлида оддий халқни ахволи уларни ҳеч ҳам қизиқтирмаслиги аниқ.

Эй..! Ўзбек халқи.., гафлат уйқусидан уйғониш вақти келди. Эй..! диндошлар.., динимизни ва орномусимизни ҳимоя этиш вақти келди... Эй..! Азиз халқим ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қиладиган, зулмга қарши курашадиган вақт келди... Уйғонинглар..!

Ақл ўргатиб айтар бугун ким-кимгадир..,  
Барча одам сукутдадир, жим-жимдадир..,  
Ўз уйингда тинч яшасанг мазза ҳар кун..,  
Мухожир қувилганга аза ҳар кун..

“Бахтинг” шулди сен ҳаммадан кейин юрсанг..,  
Қадамингни аста босиб -хўп.!!! деб турсанг..,  
Бахт изласанг йуқ қил ёмон эҳтиросинг..!  
Ишга солгин ғазабингу эҳтиросинг..!

Анашунда топарсан сен бахт қушингни..,  
Хушёр бўлгин йўқотмагин эс-хушингни..!  
Бул сўзларга жавоб шулки, бу ҳаётмас..,  
Тирик инсон сен айтгандай музлаб ётмас..,  
Хаёт деган машаққатдир сўнгра роҳат..,  
Сенга қолса ўлик уйқу истироҳат..,  
Тирик инсон дину юртга бўлур қалқон..,  
Хур кишилар душманларни қилар талқон..,  
Билгин.!!! Мағлуб қосасидан оқар йиринг..,  
Буйин эгма ҳимоя эт ватан еринг..!  
Таслим бўлма майли кетсин йўғу боринг..!  
Лек кетмасин дину иймон, номус оринг..!

Оддий халқнинг оддий фарзанди

## СИЁСИЙ АБСУРД: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУХОЛИФ ПАРТИЯЛАР ҲУКУМАТГА ЭМАС, БИР-БИРИГА МУХОЛИФ



парламентдаги ўз рақиблирини “мамлакат учун оғрикли бўлган ижтимоий адолат мавзусини кўтарган ҳолда сиёсий капитал ишлаб олиш”га уринишда айблаб чиқди. Ижтимоий адолат учун курашиши кутилган сиёсий партиянинг ижтимоий адолат мавзу-

Ўзбекистон учун камёб бўлган сиёсий партиялар ўртасидаги мунозара партияларнинг жорий ҳукуматга эмас, балки аксинча мухолиф партиялар бир-бирига мухолиф эканини намоиш қилади.

Ноябрь ойи мобайнида маҳаллий матбуот ҳамда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси (Коммунистик партиянинг қолдиғи – ЎХДП) ва Либерал-демократик блок (Каримов тамсил этган партия – ЎзЛиДЕП) расмий нашрлари саҳифаларида икки сиёсий куч вакиллари ўртасида “кураш” авж олди.

Электоратининг асосини бизнесменлар ва тадбиркорлар ташкил қилган центристик партия бўлмиш ЎзЛиДЕП

сини кўтарган рақибини айблаши фақат бугунги Ўзбекистон сиёсий саҳнасида юз берадиган спектакльдир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси асосида тузилган ҳамда электорати бюджет соҳаси ходимлари ва аҳолининг заиф қатламлари вакилларида иборат бўлган ЎХДП эса ўз рақиблирини иқтисодий ислохотларни тезлатишга уриниш ва ҳаддан ортиқ “либераллик” учун танқид қилдилар. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни тезлатиш нормал сиёсий талаб саналса-да, Ўзбекистондаги “ўзига хос ва ўзига мос” сиёсий партиялар тарафидан танқид қилинади.

Тошкентлик мустақил сиёсат-шунос Баҳодир Сафоев парламент ичидаги бу каби тортишувлар унинг мустақиллигини ва бу ерда баҳс майдони борлиги манзарасини пайдо этиш учун керак, деб ҳисоблайди. “Бу томоша энг аввало ғарблик кузатувчи эътиборига йўналтирилган, бизнинг парламентда шиддатли сиёсий кураш бораётми ва биз демократик ислохотларни чуқурлаштираямиз, дегандек. Бундан ташқари, партиялар ҳеч бўлмаганда вақти-вакти билан ўзининг борлиги ҳақида эслатиб туриши керак, чунки партиявий ташкилотлар моҳиятан мамлакатнинг реал сиёсий ҳаётидан қарийб ўчириб ташланган”, – дейди Сафоев.

Сирдарёлик медиашарҳловчи жамоатчилик партиялар ўртасида бўлган курашга қизикмаслиги, сиёсий партиялар фаолияти эса ҳеч қанақа муносабат уйғотмаётганини айтди. “Чинакам мухолифат йўқ, сунъий нарсаларнинг эса ҳаммаси фақат нафрат уйғотади, шунинг учун ҳам ҳамма бунинг спектакль эканини билади”, – дейди у.

ЎХХ хабар маркази

## ФСБ ЮРИЙ ЖУКОВСКИЙНИ ЯШИРИШГА БОШЛАДИ

Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) 2012 йил февралда Швециянинг Стромсунд шаҳрида таниқли ўзбек имоми Обидхон қори Назаровга суиқасдда гумонланган шахсни қўлга олгани ва Швецияга экстрадиция қилишга тайёргарлик кўраётганини расман тасдиқламаган.

Обидхон қори Назаровни отганликда гумонланган Юрий Жуковский исмли шахснинг 2012 йил октябр ойида Москвада ҳибсга олингани ҳақидаги швед матбуотида пайдо бўлган хабарлар ортидан “Озодлик радиоси” 12 октябр куни Россия ФСБсига юборган расмий сўровномага ниҳоят жавоб олганини хабар қилди.

Россия Федерал хавфсизлик хизмати матбуот маркази бўлими ходими Кристина Антонова бўлим раҳбари Николай Захаров номидан “Озодлик”ка берган расмий жавобида “идора бу ҳақда ҳеч нарса билмаслигини” айтди.

“Озодлик” сўровномасида ҳозиргача шифохонада кома ҳолатида қолаётган Обидхон Назаровни отган шахснинг Россияда ҳибсга олингани қанчалик ҳақиқат эканлиги, унинг кимлиги, Швецияга экстрадиция қилиниши ёки қилинмаслиги ва у қайси давлат фуқароси экани каби саволлар берилган.

Айни пайтда, Швеция прокуратураси ҳам бу ҳақда ҳануз жим. Бу ишни тергов қилаётган прокурор

Кристер Петерссон ўтган йилнинг 16 октябрида “Östersund posten” газетасига берган интервьюсида Юрий Жуковскийнинг Россияда ҳибс этилганини тасдиқлай олиши ва на инкор эта олишини билдирган.

ФСБ 2012 йилнинг феврал ойида Швециянинг Стромсунд шаҳрида имом Обидхон қори Назаровни отганликда гумонланган шахсни қўлга олинганини ақсар Швеция нашрлари хабар қилган эди. Обидхон қорига суиқасдда айбланаётган шахс Швеция полициясида қайд этилган телефон аппаратида кўнғироқ қилганидан кейин қаердалиги аниқланиб, Россия хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ҳибсга олингани айтилган эди.

Гумонланувчи 34 ёшли Юрий Жуковский Швецияда Ўзбекистон фуқароси паспорти ва Россия Федерациясида берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси билан юргани, жиноятни содир этиб, Россияга қочиб кетгани ва кейинчалик Россияда ҳибсга олингани хабар берилганди.

Мутахассисларга қўра, агарда Жуковский ҳақиқатан Ўзбекистон фуқароси бўлса, Швеция ҳукуматида экстрадиция қилиниши мумкин, агарда у Россия фуқароси бўлса – берилмаслиги аниқ.

Швециядаги нуфузли нашрлардан бири “Expressen” газетасининг муҳбири Майк Оландер Обид қорига суиқасд қилган шахс ушлангани ҳақидаги маълумотни



ўта ишончли манбадан олганлиги ва хабар бир неча манба орқали тасдиқланганидан кейингина эълон қилинганини айтган. Оландер Швеция ва Россия ўртасида Жуковскийни экстрадиция қилиш борасида сўзлашувлар бораётгани ҳақида ҳам хабар қилганди.

Ўтган йилнинг май ойида Швеция полицияси имомни ўлдиришга уринган шахсга ёрдам берганликда айблаб, Ўзбекистоннинг икки фуқаросини қўлга олди. Бундан бир неча кун олдин Тошкентда президент Каримов Швеция элчисини қабул қилган ва “бир қатор муҳим масалаларни” муҳокама этганидан сўнг, эрхотин Баҳодир Пўлатов ва Нодира Аминовалар 2012 йил июл ойидаги маҳкамда, эҳтимолий қотилга билмасдан ёрдам бергани вазидан озод қилинганди.

Бу сафар ҳам мазкур тергов ишига “юқоридан” аралашув бўлмаганига бирор далил йўқ.

ЎХХ хабар маркази

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: ГУЛНОРА КАРИМОВА НИМА УЧУН РАМЗАН ҚОДИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ? (1)

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ  
*сийсатишунос*

2012 йил декабрь охи ўрталарида Ўзбекистон Президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова Озарбойжон пойтахти Бокуда Чеченiston Республикаси Президенти Рамзан Қодиров билан учрашган. Ушбу учрашувда Г.Каримова Р.Қодировдан “Путин билан учрашиб унинг (Гулноранинг) кейинги пайтда йўл қўйган хатоларини кечиршини илтимос қилган”. Шундай қилиб...

Каримовнинг “махсус вакили” Путиннинг “махсус вакили”га таъзим бажо айлайди

Р. Қодиров билан учрашувда Г.Каримова қасам ичиб “катта шов-шувларга сабаб бўлган Россиянинг МТС ширкати масаласида ўзбек тарафи (яъни Гулноранинг ўзи) ҳукуматдаги бузғунчи кучларнинг фитналарига дучор бўлганини” айтган. Фитначи дейилганда эса МХХ раиси Рустам Иноятов назарда тутилган...

Гулнора Каримовага кўра “Фитна”нинг маъноси МТС ширкатининг Хитой маҳсулоти бўлган HUAWEI” и “ZTE” эшитиш жиҳозлари воситасида ўзбек юкори мулозимларини тинглаши ҳақида МХХ раиси Р. Иноятовнинг узлуқсиз ихборларига ишониб, ўзбек ҳукуматининг бу ширкатга ҳужум қилишидир.

Биз, деган Гулнора Каримова, МХХнинг бу фитна хабарларига ишондик ва хавфсизлик нуктаи назаридан аввал МТСни ёпишга, сўнг уни давлат мулкига айлантиришга ва бу ширкат ихтиёридаги Хитой эшитиш жиҳозларини Ўзбекистондан олиб кетишга мажбурлашга ва унинг лицензиясини янги инвесторга беришга қарор қилдик. Гулнора Каримова Р. Қодировдан МТСга тааллуқли бу изоҳни В. Путинга етказишини сўраган. Бу билан Гугуша отасининг меросхўри сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки Россияда ҳам ўз обрўсини саклаб қолмоқчи эканлигини айтган.

Бу сўзлари билан Гулнора Каримова рус ва хориз матбуотида ўзининг ва отасининг молияйи ва бошқа жиноятларини ошқор қилувчи матбуот хабарларининг тарқалишини истамаслигини ҳам Р. Қодировга тушунтирмоқчи бўлган.

Каримов оиласи жиноятларининг ошқор бўлишида Кремлнинг қўли борлигини англаган Гулнора айниқса ўзининг шахвоний саргузаштлари туширилган расмлар ва видео тасмаларнинг рус ва яҳудий матбуотига тушишидан ташвишланмоқда.

Бокудаги учрашувда Гулнора Каримова Р.Қодировга шундай деган: “Биз икки томонлама (ўзбек ва рус) муносабатларни нормаллаштириш, уларни аввалги дўстона шаклга қайтариш учун фойдани энг кўп келтирадиган ўзбек ширкатларини Россия инвесторларига кулай шартларда беришга розимиз”.

Гулноранинг илтимосини В. Путинга етказишдан бош торган Р.Қодиров эса шундай деган:

“Менимча сиз менга айтаётган



маълумотлардан Путиннинг хабари бор. У киши билган нарсаларни мен Россия Президентига хотирлатишимга эса ҳожат йўқ”.

Бу Г. Каримованинг ўз афсус-надоматларини Кремлга етказишга бўлган иккинчи уриниши эди. Биринчи марта 2012 йилнинг ноябрь ойида унинг бундай илтимосини ўзбек олигархи Алишер Усмонов рад қилганди. Ушанда Гугуша А. Усмоновдан Путинга нафақат МТС масаласидаги узрни, айти пайтда Кремль “Ота”нинг ворислигига ўз номзодлигини қабул қилиши илтимосини етказишни ҳам сўраганди. Фақат Кремлга яқинлиги билан танилган бу ўзбек олигархи Гугушанинг бу илтимосини Путинга етказишни катъиян рад қилган. Бу учрашувдан ўзига сабоқ чиқарган Гулнора Каримова эса Р. Қодиров билан учрашганда, фақатгина МТС масаласини кун тартибига келтирган ва ўзининг ворислик масаласини айтишга журъат этолмаган.

Қизиқарли тарафи шуки, Ўзбекистон Президентининг тўнғич кизи бундай ташаббуслари билан нафақат Путин олдида тиз чўккан, балки уларда Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятовдан ҳам рус томонига шикоят қилган. Шундай қилиб...

### Гулнора Каримова vs Рустам Иноятов

Бу икки шахс орасида яширин кураш Гулноранинг Тошкентлик тадбиркорлар тижоратини (бизнесини) ўзлаштириши билан бошланган. Маълумки, Рустам Иноятов Тошкент клани бошлиғи сифатида пойтахт тадбиркорларини ўз қаноти остига қўриқлаб келарди. Хусусан, ООО Алп Жамол (эгаси – Мухиддин Жамолов), “Капитал Банк” (эгаси – Ботир Раҳимов), Ғафур Раҳимов, Салим Абдувалиев ва бошқа йирик тадбиркорларнинг бизнесининг қўриқчиси МХХ раисининг ўзидир. Шунингдек, Р. Иноятов ресторон “бизнеси” билан шуғулланадиган катта ва кичик тадбиркорларнинг ҳам қўриқчиси.

2006-2007 йиллардан бошлаб Гулнора Каримова ўзига ёққан ва Тошкент кланига оид бўлган кафе, ресторон, меҳмонхона каби корхоналарни “ўзлаштириш” билан Р. Иноятовнинг яширин ғазабига дучор бўла бошлаганди. МХХ раиси ҳозиргача Гулноранинг бу ёвуз қилиқларига қарши на Президент Каримовга, на Гугушанинг ўзига очик норозилик билдира олмайди.

Шу билан бирга, Иноятов “Ўзбеклар энг кўп нафратланадиган” бу икки шахсга яширин зарбалар беришни ҳам қанда қилмайди...

Ўша йилларда Р.Иноятов асосан ўз қўл остидаги журналистлар орқали Гугушага қарши қора ташвиқотни ўтказишга уринганди. Фақат бу ишда муваффақият қўлга киритилмагач, бундай ташвиқотни қўшни давлатларнинг махсус хизматлари ва Европа оммавий ахборот воситаларини ишга солиб амалга оширишга киришилди.

Р. Иноятовнинг очқўз Гулнорага қарши кучли зарбаси айнан МТС масаласида амалга ошди. Россиянинг бу ширкатига аллақачон кўз тиккан Гулнора Каримова МХХнинг Хитой маҳсулоти бўлган эшитиш жиҳозлари ҳақидаги сохта ихборларига ишониб, русларнинг бу ширкатини “ўзлаштирмоқчи” бўлди.

МТС атрофидаги бу жанжал билан бирга айти вақтда Европа оммавий ахборот воситалари Гулнора Каримованинг жиноятларини фош қилишни ҳам бошлаб юборди ва бу бугун ҳам давом этирилмоқда. Гугуша эса МХХга ишониб «МТС-Ўзбекистон»га очқўзларча ташлиниш билан қопқонга тушганини энди фахмлаб етмоқда.

Р. Қодиров ва А. Усмонов билан учрашувларда Гулнора мана шу “ҳақиқатларни” Россия Президенти билишини истаган эди. Фақат юкорида таъкидлангани каби Р. Қодиров ва А. Усмонов Путин “ҳамма гапдан хабарбор” дея, бу ишни ўз зиммаларига олишни истамадилар.

Бу илтимос орқали Гулнора Каримова нафақат узр сўраш ва Россия Президентининг ишончига киришни, балки шу билан бирга манбаси Тошкентдаги «Мустақиллик» метро бекати ёнидаги бино (МХХ биноси) бўлган ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ўзига қарши юритилаётган қора ташвиқотни тўхтатишни ҳам истаганди. Бугун Гугуша ўзини расво қилган «МТС», «Telia Sonera», «Takillan» ширкатларига алоқали жанжалларнинг орқасида ким турганини англай бошлади. Шунингдек, у МХХ Раиси Р.Иноятовнинг Россия ФСБсида Путинга яқин одами борлигига ҳам фахми етган бўлса керак...

Шунга қарамадан, бу шов-шувли жанжаллар орқасида МХХ раиси Иноятов турганлиги ва “Раис”нинг (ўзбек чекистлари Иноятовга шундай лақаб қўйишган) Россия ФСБсининг одами эканлиги ҳақида Гулноранинг қўлида далиллар йўқ. Шунинг учун Гулнора Каримова ҳозирги кунда ўзбекларнинг бош чекистига қарши сабр қилиб, бирор амалий тадбир қилганича йўқ. У бу масалада кулай пайтни, яъни 2015-2016 йилларни кутаётган бўлиши мумкин. Каримов оиласининг режасига кўра бу йиллар Гулноранинг Ўзбекистон Президенти сифатидаги илк йиллари бўлади ва МХХ раислиги лавозимини Гулнора Каримова “бизнес-империя”сининг қўриқчиси Шухрат Ғуломов эгаллайди...

Фақат Р. Иноятов бошчилигидаги Тошкент клани Каримовлар оиласи режаларига қарши нималарни режалаётганидан Гулнора Каримованинг хабари йўқ... Шундай қилиб...

(Давоми бор)

**Меҳмет Окиф Эрсой**, Онадўли мусулмонларининг бизнинг тушунчамиздаги халқ шоиридир. Меҳмет Окиф ижодининг асосий мавзуси мусулмонларнинг эътиқоди, уларнинг динларини тўғри тушунишлари ва уни ҳаётларига бу шаклда тадбиқ қилишларидир. Мен жузъий кискартиришлар билан таржима қилган ушбу шеър Усмонли давлати инқирозининг асосий сабаби бўлган ва ўша даврда мусулмонлар орасида кенг тарқалган жаҳолат (илмсизлик, маданиятсизлик) ҳақидадир. Яқинда Туркия матбуотида эълон қилинган бир хабарга (www.habervaktim.com)

кўра Меҳмет Окиф Эрсой она тарафдан ўзбек экан... Н.Н  
“**Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?**”  
(Зумар сураси 11 оят)

Тенг бўлмайди... табиий..Бири инсон, бири хайвон,  
Бу эса жаҳолат деган юз қорасидан.

Ундан кутулишга азм қилсин жами миллат,  
Кифоя эмасми унга сўнгги фалокаат?

Сўнгги фалокаат нимага олиб келди, тушунсанг,  
Миянгиз эриб, ёш каби томарди кўзингиздан...

Сўнг дарс фалокаати не демакдир? Шу демакдир,  
Ўзига келмаса агар миллат, жарга кетажакдир.

Зеро бу разолатга энди чидаб бўлмайди,

Зеро бу сафар уйку ўлимдир, уйғонилмайди...

Жушган катга бир сел каби доимо башарият,

Келажакка чопмоқда хар қадами бир шиддат.

Тоғлар, жарлар унга йўл беришни истамайди.  
Лекин у баланд, паст демасдан ҳеч турмайди...

Қавмлар у буюк дарёга қўшилган бирор ирмоқ,

Албатта қўшилади...Қайсисида бор турмоқ?

Бизларки бу мутҳиш, бу муаззам жарёнга

Вакт сарфлаймиз, бу не иш бир англа...

Жойингда тур, майли ишинг бўлмаса, эй шошқин,

Ўқ каби суръатли, денгиз каби тошқин.

Йилларча, асрларча сурган уйқудан ортик,

Уйғон ва мухитингдаги зулматларни йиқ.

Бир қара, кўклар ва ерлар уйғонгандир,

Дунё уйғонганда ухлаш масхаралиқдир.

Эй воҳ! Бу зиллатларга сенсан иллат,

Эй жаҳолат, сенга тушмоқда яна бу миллат.

Бир ҳолга келтирдинг уни, на дин қолди, на номус,

Эй сийнаи Исломга тушган қопқора қобус...

Эй ҳақиқий душман, аввал сени ўлдирайлик,

Чунки сен душманларга бердинг зафар, кўрайлик.

Эй миллат, уйғон! Жаҳлингга қурбон бўлмоқдасан,

Исломни ҳам ботсин деб, чуқуригга кирмоқдасан.

Аллоҳдан уял! Ҳеч қурмаса, динни ташла,

Тупроққа ўзинг кир, ўз этингни ўзинг тишла...

Лекин бу не иш? Аллоҳ билан бизни кўрkitиш,

Аллоҳдан кўркиш ҳам илим билан бўладиган иш...

Таржимон: **Намоз Нормўмин**

## ҚОЗОҒИСТОН ЯНА БИР ЎЗБЕК ҚОҶҚИНИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БЕРИБ ЮБОРАЯПТИ.

*Қозоғистон яна бир ўзбек қоҶқинини Ўзбекистонга бериб юбораяпти. Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонда мамлакат конституциявий тузумига таъжовузда ва яна Қозоғистон ҳудудида яширин жамоа тузганликда айблашяпти. Қозоғистонда жиноят содир этганларни Қозоғистон қонунлари бўйича жавобгар қилиниши керак эмасми? Аслида бу ўзбек мусулмонига нисбатан тўхмат ва таъқибдан бошқа нарса эмас. Ўзбек мусулмонлари жим! Уни қутқазиб қолишга ҳам уринишмади. Ҳаттоки адвокатга тўланиши керак бўлган 500 доллар маблағни йиғиб беришни ҳам истамаганди. Уни ҳуқуқбон Мўтабар Тожибоева берган экан. Мусулмонлар, қани сизнинг биродарингизга гамхўрлигингиз? Қани сизнинг Олооҳ йўлидаги иттифоқингиз? Динингиз нотўғри, ёки сизнинг қалбингиз? Яна бир инсон Каримов режимида қатагон машинаси ичига юборилаяпти ва у ҳам кўпгина бошқа мусулмонлар сингари қийноқлар остида жон беради. Ўзбек “мусулмонлари”! Сизнинг Европадаги ҳузур ҳаловатингиз харом!*

Қозоғистон: маҳкама ўзбек қоҶқинини Ўзбекистонга топширишга қарор қилди Қозоғистон маҳкамаси бошпана изловчи Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонга бериб юбориш ҳақида ҳукм чиқарди.

Хайрулло Турсунов 9 ойдан бери Ақтўбе шаҳар вақтинчалик тергов изолаторида ушлаб турилибди.

У Ўзбекистонда конституцион тузумга таъжовуз қилиш ва диний экстремистик ташкилотларга аъзоликда айбланмоқда. Ҳуқуқ ҳимоячилари Турсуновни Ўзбекистонда қийноқлар тутилиши ва адолатсизликка дучор бўлишидан хавотир билдирмоқда. Ақтўбе вилоят маҳкамаси Қозоғистон Бош прокуратураси томонидан чиқарилган Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонга экстрадиция қилиш қарорини ўз кучида қолдириш ҳақида ҳукм чиқарди.

“Маҳкамада таржимон, прокурор, адвокат ва Турсуновнинг ўзи иштирок этди. Биз Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонга бериб юбормасликни ва у истаган давлатига чиқиб кетиши учун суд залидан озод қилишни сўрадик. Бирок ҳакам Нуриля Сағибалдина уни Ўзбекистонга бериб юбориш ҳақида қарор чиқарди”, – дейди адвокат Кенес Жусупов. Адвокатнинг илова қилишича, Қозоғистон қонунчилиги

бўйича, экстрадиция масалаларида вилоят маҳкамаси энг сўнгги инстанция ҳисобланади.

Турсунов ҳимоясида фаол иштирок этган ва адвокатга маблағ ажратган “Ўтюрақлар клуби” раҳбари Мўтабар Тожибоева Қозоғистон маҳкамасининг ушбу қароридан афсусда эканини айтди.

“Қозоғистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари кўмитаси аъзо бўлишига қарамасдан, яна бир қоҶқинни Ўзбекистонга экстрадиция қилишга қарор чиқарди. Бу жуда ҳам ачинарли ҳолат”, – деди Мўтабар Тожибоева.

Ҳуқуқбонга кўра, инсон ҳуқуқлари мунтазам бузилувчи Ўзбекистонга Қозоғистон 2011 йили 29 қочқинни бериб юборган эди. Аммо ушбу адолатсиз ечимга қарамасдан Қозоғистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари кўмитасига аъзо ўлароқ сайланди. 2011 йили эса Оврўпада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига раислик қилди. “Бундан шу нарса англашилаётганики, Ўзбекистондаги репрессив режим олдида иложсиз қолаётган инсонларнинг тақдир масаласи, Европа Иттифоқи, ОХХТ, БМТ ҳам кўз юмаётганга ўхшаб туйилаяпти”, – дейди Мўтабар Тожибоева. “Ўтюрақлар клуби” ушбу эътиборсизликка қарамасдан, БМТнинг Қийноқлар Кўмитасига Турсунов номида уни экстрадиция қилмасликларини



сўраб, шикоят хаги тайёрлаган. “Бугун Турсунов Хайруллонинг Ўзбекистонга экстрадиция қилинишга қаршилиқ билдириш мақсадида, БМТнинг Қийноқларга қарши кўмитасига Турсунов Хайруллонинг индивидуал шикоятини ёзиб тайёрладик. Тўғриси айтиладиган бўлсам, Турсунов Хайрулло Ўзбекистонга бериб юборилишига тўсқинлик қила оладиган куч борлигига мен ишонмайман. Лекин шундай бўлса ҳам, инсон бор умид билан ҳаракатни қилавериши керак. Шунинг учун Турсунов иши бўйича ҳаракатни давом эттираверамиз”, – дейди Мўтабар Тожибоева.

Хайрулло Турсунов муқаддам Ўзбекистонда судланган, аммо 2005 йилнинг феврал ойида умумий авфга илиниб озодликка чиққан.

Бироқ 2009 йилнинг август ойида маҳкама қарори билан қисқа муддатга ҳибсга олинган, ўша вақти уни ҳибсда ушлаб турган МХХ ходимлари қийноқлар қўллаб, ҳуқуқ ҳимоячиси Ғайбулла Жалиловни топиб беришни талаб қилишган. Турсунов 2009 йили ҳибсдан чиқиб билан Россияга қочиб кетди. Кейинчалик Ўзбекистондан қочиб чиқишга мажбур бўлган турмуш ўртоғи Нодира Бўриева ва болаларининг олдига Олма ота шаҳрига келиб БМТдан қоҶқинлик мақоми сўрайди.

Ўзбекистон унга нисбатан мамлакатда экстремистик-террористик гуруҳ дея тан олинган Ўзбекистон Исломий ҳаракатига аъзолик ва Қозоғистон ҳудудида жиноий тил бириктириб, диний жамоа тузишда айблаган.



«Озодлик» радиоси, 15.12.2004

Дастуримиз адабиёт рукни билан давом этади. Адабиёт рукнида Ўзбекистонлик ёзувчи-шоир мухолифат етакчиси Муҳаммад Солиҳ 55 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган суҳбатлар ўрин олган.

Бошловчи:

Ассалому-алайкум азиз тингловчилар, сиз адабиёт радиожурналининг навбатдаги сонини тинглаяпсиз.



Бор-йўғини дунёнинг пойига ташлаб, «Ўғри» деб ном олар қарғалган миллат. Қарғалган миллатнинг келажаги тул, Дарёлари қуриб, чирир ерлари, Қарғалган миллатнинг болалари - қул, Аёллари тумсо, бепушт эрлари. Қарғалган миллатнинг қозиси - фосиқ, Олими - савдогар, илм сотиб яшар, Шоирлари эса, ақлдан озиб, Душмандан мукофот олмоққа шошар... Бу шеър жуда мискин бир шеър. Аммо ўша 87-йилда ёзилган бўлса ҳам бугунги кунимизга мос келади. Фикримизча 2000-йиллар ва 90-йиллар бошидаги синовдан ўтган ва ўта олмаганларнинг сони орасидаги фарқ худди 30-йилларда Сталин қатағонида синовдан ўтган ва ўта олмаганлар сони ўртасидаги фарқ каби каттадир. Яъни, синовдан ўта олмаганлар мингларча бўлса, ўтганларнинг сони балки юзтага ҳам етмаса керак.

## МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ТАВАЛЛУД КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭШИТТИРИШ

Азиз тингловчилар, бугунги дастуримиз таниқли ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг 20 декабрда 55 ёшга тўлиши муносабати билан шоир ижоди бағишланади. Унда сиз:

Шоир билан бўлиб ўтган суҳбат, Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳақида ўзбек шоирлари фикрлари, шоир ва унинг ижоди борасида бугунги ёшларнинг мулоҳазалари ҳамда мавзу юзасидан Андижондан тайёрланган лавҳани эътиборингизга ҳавола этамиз. Шунингдек, дастур давомида шоирнинг янги шеърларидан намуналар тинглайсиз:

**Миш миш**

«Ўша сизлар билган шоир М.Солиҳ аллақачон ўлган, йўқ бўлган, синган!  
Дунёни тарк этиб дарвиш мисоли берилган эмиш у тамоман динга!»...

Қани, тўғри бўлса авомнинг гапи,  
аввали М.Солиҳ ўлган бўлсайди,  
юраги дарвишлар юраги каби  
динга, фақат динга тўлган бўлсайди!

Шеърни шоирнинг ўзи ўқиди. Ҳозир эса Муҳаммад Солиҳ таржимаи ҳоли ҳақида икки оғиз сўз: Муҳаммад Солиҳ 1949 йили Хоразм вилоятида туғилди. Илк шеърини китоби 1977 йили чоп этилди. 1977 йилдан то бугунги кунгача ўнлаб шеърини, насрий ва публицистик китоблари, таржималари Ўзбекистонда ва хорижда чоп этилган. Асарлари рус, украин, латиш, эстон ва турк тилларига таржима қилинган. Муҳаммад Ғаззолий асарлари, шунингдек, турк адабиётидан Юнус Имро ва Дада Қўрқутга оид асарларни ўзбекчалаштирган.

- Ҳозир ҳам бадиий ижод билан шуғулланиаяпсизми? - Муҳаммад Солиҳга биз дастлаб шундай савол билан мурожаат қилдик:

**Муҳаммад Солиҳ:**

- Ассалому-алайкум, бизни тинглаётган дўстларга. Албатта, ижод деркан сиз шеър ва бадиий таржимани назарда тутаетган бўлсангиз, мен ижод билан шуғулланаётганим йўқ, афсус. Аммо таржима билан шуғулланиаяпман. Таржима қилаётганим асар модада бўлмаган бир китоб. Икки жилдлик жуда катта китоб.

Балки ҳеч қачон мода бўлмайдиган бир китоб. Буни мен ўзим учун, тўғрироғи ўз нафсимга таскин бериш учун, яъни сен ҳам бу дунёда бир савоб иш қилдинг деб уни юпатиш учун қилаётганим бир иш десак бўлади. Бу таржиманинг инсонларга фойдаси тегади деб ўйлайман.

**Бошловчи:**

Ўтган асрнинг 70-йилларида ўзбек адабиётига бир гуруҳ ёшлар кириб келди. Муҳаммад Солиҳ, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бундан сал олдинроқ Абдурауф Парфи ижоди ўзбек адабиётини янада кенгайтди. Уларнинг ичида Муҳаммад Солиҳ алоҳида ўринга эга, дейди биз билан суҳбатда шоир Абдурауф Парфи:

- Муҳаммад Солиҳ 60, 70-йилларда ўзбек шеърини мутлақо бир янги тўлқиннинг устида турди. Бу тўлқин 50 йилларда унутилиб кетган, гарчи 56-йилларда ҳукумат тарафидан оқланган бўлса ҳам, масалан дейлик Фитрат, Чўлпон, Қодирийлар... 80-йилларга келиб китоблари чиқди. Демак меросимиз жуда узок қаровсиз қолди. Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Қодирий ва бошқа жуда кўп шоирларимизнинг асосий ғояси Туркистон ғояси эди. Туркистон ғояси худди ислом каби босқинчилар учун, мустамлакачилар учун жуда қўрқинчли бир душман эди. Ана шу руҳимиздан юлиб олинган ғояни ўзбек шеърини биринчи бўлиб Чўлпонлардан кейин, Фитратлардан кейин ўзбек шеърини айтган шоир Муҳаммад Солиҳ бўлади.

**Бошловчи:**

20-асрда ўзбек ижодкорлари қандай синовларга дуч келдилар ва бу синовлардан улар қандай ўта олдилар?

**Муҳаммад Солиҳ:**

- Бу саволга жавоб беришдан олдин 1987 йилда ёзган битта шеърим бор экан, ўшани ўқиб берай истасангиз. Ундан парча, қисқа бир парча: Қарғалган миллати ҳўқиздай ишлаб, Раҳматнинг ўрнига эшитар миннат,

**Шоир Абдурауф Парфи:**

- Ҳар бир шеърнинг манавий нуқтаси - унинг ватан ҳақида ёзганлари эди, озодлик ҳақидаги, эрк ҳақидаги шеърлари эди. Шу маънода унга ўз тенгдошлари ичида, умуман ўзбек шеърини ичида бир янги ғояни олиб чиққан шоир сифатида қарашни хоҳлардим. Биз балки бундай тухматларга қолишини билмаганмиз, албатта. Гарчи ҳаммаси ёлгон эканлигини била туриб, унинг собиқ дўстлари уни айблаб мажлислар ўтказишганида ҳайратга тушиб, кулоқ солиб ўтирганман. Булар дўстлари эди-ку унинг, ҳамдастурхон эди булар, бир нонни бўлиб ейдиган инсонлар чиқиб, «бизга бундай соткин шоир керак эмас, шеърларини ҳам ҳеч ким тушинмас эди, шеърлари ҳам ҳеч кимга керак эмас», деган гапларни гапириб чиқиб мени ҳайратга солди ўзларининг тенгдош дўстлари. Муҳаммад Солиҳ 10 йиллардан буён узокларда юрган бўлса бу йилларни миллатимизнинг, халқимизнинг синов йиллари десак ҳам бўлади. Балки бу Муҳаммад Солиҳ учун ҳам синов йилларидир. Бу синовдан жуда кўпчилик ўзбек шоирлари ўтолмади.

**Бошловчи:**

- Муҳаммад Солиҳ ака, сиз ижодга тулган пайтда сиёсатга ўтиб кетдингиз, ёзмай қўйдингиз. Қўллаб ўқувчиларингиз бундан афсусландилар ҳам. Ўзингизда ҳам шундай туйғу кечмадимми?

**Муҳаммад Солиҳ:**

- Йўқ, мен бу манода афсусланганим йўқ. Тўғриси афсусланишга вақт бўлгани ҳам йўқ. Сиёсатга кирдим, чунки бу бир миллий вазифа эди. Вазифа ҳали ҳам битгани йўқ. Сиёсатни шеърдан устун қўйдим, чунки сиёсат қуллукдан қутилиш йўлида, озодлик йўлида шеърини нисбатан кучлироқ восита эди. Уни мақсадга эришгунча қўлланишга қарорим қатъий ва мен сиёсатни давом эттирмакчиман.

(Давоми кейинги саҳифада)

## МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ТАВАЛЛУД КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭШИТТИРИШ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Балким бир кун келиб шеър ҳам ёзиш мумкин аммо бугун бунга вақт йўқ. Бу хусусда ҳатто ўша 75-йилда, бундан 25-29 йил аввал ёшлиқда ёзилган битта шеърни кўриб қолдим. Унда айтиладики:

«Менда имкон бор ҳали шеър - севги деб алдамасликка, озодликни севган инсонни! Бисотимда имкон бор ахир, қаламни синдириш имкони», деб ёзган эканман ўша пайтда. Яъни, халқимизнинг озодликка эришиш имкони пайдо бўлганини кўрганам кун ўша шъер ёзадиган қаламни - мажозий маънода эмас - реал маънода синдиридим ва мақолалар ёзишга ўтдим.

Бошловчи: Азиз тингловчилар, бу орада Муҳаммад Солиҳнинг янги шеърларидан бирини тинглаб сўнг суҳбатларимизни давом яна эттирсак. Шеърни шоирнинг ўзи укйди: Муҳаммад Солиҳ овози:

### Ғариб дарахт

Одамлар каби мен дунёни кезиб ёза олмадим-ку шеърини турқумлар, чунки ота юртдан чиққанам сезиб, тарк этарлар мени хижо, руклар.

Чунки келиши-чун кўзларимга ёш пайдо бўлиши-чун илҳом юракда, менга жуда зарур аччиқ бир қуёш, кескин континентал иқлим керакдир.

Шундай экан, денгиз қиргоқларидан, яшил ўрмонлардан менга сўз очма, мен ёлғиз Туркистон тупроқларида уса оладиган ғариб оғочман...

Муҳаммад Солиҳ шеърятининг унинг илк асарлариданок бош ғояси мустақиллик, эрк, Туркистон мавзулари эди дейди шоир Абдурауф Парфи:

- Муҳаммад Солиҳнинг биринчи кучли тебраниши унинг Туркистон ғоясини англаши, Туркистон руҳини билдириш, унинг шеърятдаги бутун истиоралар, шеърини санъатлар Туркистонни англаш санъати эди. Шу билан мутлақо мустақиллик нима эканини билмайдиган ҳозиргача ҳам ёши 60-70 га бориб, ҳали шеърятнинг асоси нима эканидан беҳабар, бугун бемалол яшаб юрган шоирларимиз ҳеч қачон мустақиллик ғояси бўлмади.

### Бошловчи:

- Навбатдаги суҳбатдошим ёш ўзбек шоири Файзуллоҳ:  
- 1986 йилда «Фан ва турмуш» журнаlining биринчи саҳифасида Муҳаммад Солиҳнинг қаламига мансуб бир шеър эълон қилинган. Бу пайтда агар эътибор берсангиз бугунги унча-мунча Ўзбекистон қаҳрамонлари нима дейиш мумкинлигини ҳали ўйлаб ўтирган, тарзининг қайси томонига ўтган

маъқулроқ деб ўйлаб турган бир пайтда Солиҳ шундай шеър ёзган:

Худо қарамади менинг райимга,  
Буйруқни чиқарди, муҳрни босди.  
Ва ижрочи фаришта қоқ манглаймга  
Нотаниши ёзувда нимадир ёзди.  
Кейин ерга тушдим уйдагилар ҳам  
Ёзувни ўқий олмай бўлдилар сарсон  
Ниҳоят марказдан келган бир одам  
Ўқиди ва деди: сен - пахтакорсан.

Шу-шу олтин топган қул каби хурсанд  
Юраман гўзалар очилса гўлдай  
Фақат мен қоламан келганда аёз  
Олтинини йўқотиб қўйган қулдай.

Тушларимда эса сўкинаман баъд,  
Унгимда-чи товба дейман асосан  
Ҳар қалай энг ширин таомдир меҳнат  
Энг катта идиш бу - сабр косаси.  
дейди Муҳаммад Солиҳ.

### Абдурауф Парфи:

- Ўзбек адабиётининг 20-аср тарихи Муҳаммад Солиҳсиз «ўзбек адабиётининг тарихи» бўлмаслигини билган ҳолда ҳам у ҳақда лом мим дейилмайди. Илгари замонлар қандай лом мим демаслик керак бўлса, бугун ҳам шундай лом мим дейилмайди. Бу биз қулликка ўрганиб қолган, ҳақоратга кўниккан, ёвузликни келтириб чиқарадиган жаҳолатнинг кўринишларидир.

### Бошловчи:

- Муҳаммад Солиҳ 10 йилдан буён муҳожирада яшайди. Шу давр мобайнида етишиб чиққан ёшлар унинг ижодидан хабардорми? Шу уринда Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида ҳамкоримиз талабалар ўртасида ўтказган сўровни эътиборингизга баён этамиз:

### Талаба:

- Муҳаммад Солиҳ фикирлашга қақиради шеърларида. Масалан, Усмон Азим билан солиштириганда У. Азим кўпроқ воқеъликнинг лирик баёини беради. Муҳаммад Солиҳ воқеъликни аниқ реал ҳаракат қилади кўрсатишга.

### Бошқа талаба:

- Муҳаммад Солиҳни бир марта ўқиганман. Ундан кейин рости гап уни ўқишга одам кўрққан, у ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам кўрққанман, рости гап. Муҳаммад Солиҳ ижодини бир марта ўқиб чиққанман, лекин ҳали ҳам унинг қандайдир бир шуъласи ҳали ҳам ҳаёлимдан кетмайди.

### Яна бошқа талаба:

- Ҳеч ким ўқишни таъқиқламаган, бизнинг мактабинг кутубхонасида турган Муҳаммад Солиҳнинг китоби. Ўшандан олганман, ўқиганман, мактаб

пайтида. Бошқа талаба:

- Биласизми, бизда шунақа нарса борки, танқидга учраган одам ҳақида ҳамма нарсани таъқиқлаб қўйишади. Мен жда ҳам хоҳлардим Муҳаммад Солиҳнинг сиёсатчи сифатида эмас, шоир сифатида унинг ижодини ўрганишни. Биласизми шунақа шоирлар бор, уларга зарур макон тушунчаси бегона. Яна бошқа талаба:  
- Менга Муҳаммад Солиҳнинг «Токи» деб номланган шеъри ёқади. Бу шеърда у ўзининг келажагини олдиндан кўргандай туюлади:

### Токи

Мендан юз ўгириб,  
Кетиб қолганича токи хотиним.  
Ўзимнинг фарзандим. Ўзимнинг болам  
Ўзимни масҳара этганича то.  
Токи номим  
Лаънат тахтасига осилгунча.  
То бўйнимга қилч тушганга қадар...  
Дейману тўхтайман.  
Наҳотки, дейман, наҳотки,  
Шунча қурбон керак сенга, ҳақиқат?!

### Бошловчи:

- Айни шудай лавҳани Андижондаги ҳамкоримиз Турғунбек ҳам тайёрлаган. Ҳозир шу лавҳани эътиборингизга ҳавола этамиз:

- Мустақил ижодкорлардан Рустамжон Қаюмов бугун вилоят аҳолиси, айниқса ёшлар Муҳаммад Солиҳ шеърятини билан танишиш имкониятидан маҳрум эканини айтarkan, мавзуга шундай изоҳ берди:

- Менинг назаримда Муҳаммад Солиҳнинг китоблари ҳозирги кунда Ўзбекистонда сотувда йўқ, кутубхоналардан йиғиштириб олинган бўлса керак. Шахсан ўзим бирон кутубхонага бориб учратмадим, бирон китоб дўқонида кўрмадим. Лекин менинг ўзимда унинг бир нечта китоби бор. Муҳаммад Солиҳнинг шеърини китоблари бугун вилоятдаги кутубхоналарида мавжуд эмаслиги борасида суҳбатдошимиз Анорхол Ҳамдамова ҳам шундай мисолни айтади:

- Бугунги кунда кутубхоналарда йўқ. Менинг ўзим бир воқеага гувоҳ бўлганман. Мен халқдан бириман. Ўшанда омборхонада китобларнинг аянчли аҳволда чириб ётганини кўрдим. Кейин бир укам шаҳар кутубхонасига келганда у ерда ажратиб олиб ташлашаётган экан. Илтмос килиб 20 донасини («Орзу Фуқароси» китоби, 90-йилда чиққан) 20 тачасини олиб борган 10 тасини биз олганмиз. Бошқа бир суҳбатдошимиз Муҳаммад Солиҳ шеърятининг ўзига хос томонлари борасида ҳам қўшимчалар килди (эркак кишининг овози):

- Қисқа, лўнда ва чиройли ёзади. Чиройли ёзади деганининг сабаби шундаки, Муҳаммад Солиҳ шеърятини ҳозирги замон ўзбек шеърятининг энг олдинги қаторда туради десам адашмасам керак.

(Давоми бор)

## АЁЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши ўтган сонда)  
**МЕНОПОЗ**

Соғлом аёлнинг бир даврдан бошқа бирига ўтиши осон кечади. Гормон тизимидаги ўзгаришларга боғлиқ юзага келган безовталиқ, терлаш, енгил юрак ўйнаши ва шу каби симптомларнинг, хомилалиқнинг илк ҳафталари ва хомиладорлик даврининг бошларидаги белгилар каби, қисқа вақт бўлиши нормал ҳисобланади.

Менопоз пайтига оид махсус касаллик йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу фитратга тескарисидир. Фақат эски касалликлар менапоз пайтига оғирлашиши ва катталашishi мумкин.

Масалан, энг кўп учраган безовталиқлардан бири суяк эришидир.

Бу ҳолатни юзага чиқарган сабаблардан бири – вужуднинг ҳар ой 150-200 гр ифлос қонни ташқарига чиқариб ташлашдан махрумлигидир.

Вужуд ҳайз воситасида ҳар ой маълум миқдорда зарарли моддаларни чиқариб туради, менопоз мана шу йўлни беркилади.

Чиқиндиларни ташқари чиқараолмаган вужуд уларни томир, мушкул, бўғим ва суяклар атрофида бириктиришга мажбур бўлади. (“Қон олдириш” ва “Суяк Эриши” бўлимларини ўқинг)

Бу ҳолда аёлларнинг зарарли одатларини тўхтатишдан бошқа чора қолмаяпти.

Охирги пайтларда гинекология муассасаси камайиб кетаётган гормонларнинг камайишини тўхтатиш ва синтетик гормондан фойдаланиш каби зарарли усулларга мурожаат қилабошлади.

Аёл вужудида барча без ва тизимлар йиллар давомида менапоз ва янги гормон мувозанатига тайёрланади; жисмоний ва маънавий ўзгаришлар бўлади. Бу муаззам тадқиқни синтетик гормон ёрдами билан бузиш - жиноятдир.

Боланинг - балоғатга, балоғатга етганининг эса ёшликка ўтишини тўсишга ҳаракат қилиш нақадар аҳмоқлик ва зарарли ҳаракат бўлса, менопаз кетказиб, “қариш даврини тўхтатиш” мақсадида синтетик гормондан фойдаланиш ҳам шу қадар зарарли ва жоҳилона услубдир.

Эрта менопазнинг олдини олиш мумкин бўлган ягона йўл, бу нуқтага келмасдан аввал касалликлардан қутулишда ва яшаш тарзини тартибга солишдир.

Менопаз даврида пайдо бўлган безовталиқларга даво:

Менопаз даврига оид ҳеч қандай махсус касаллик бўлмагани учун, аввалдан бор бўлган касалликлар даволанади:

Даво, янада аввал айtilган касал-

ликларда бўлгани каби қилинади ва ошқозон-ичак давосидан бошланади.

Қон олдириш (хожамот) кўпайтирилади. Аввал ҳар ҳафта, кейин ҳар ой, кейин ҳар 3 ойда бир хожамот қилинади.

Ҳар йил жигар тозалаб турилади. Тананинг табиий совуқлиги камайишни бошлаганидан, енгил, табиий, ширин ва осон ҳазм бўладиган таомлар ейилиши керак.

Ичакларни бўшатиш учун майдаланган сано аралашмаси ва ора-сира магний сульфат ишлатилади. (“Қабзият” бўлимига қаранг.)

Рўзани кўпайтириш йилда камида 3 ой рўздор бўлиш ва ҳар ҳафтада 1 кун очлик тутиш тавсия қилинади. Буларни қилганлар, ибодатларини ҳам кўпайтиришса, мукамал соғлиққа етишадилар.

Бу ёшдан кейин нам, яъни хужайралардаги сув йўқотиши ва қариш жараёни тезлашади. Бу сабадан сув сифатига диққатни қаратиш, туриб қолган сув ва оғир сувлардан қочиб ва фақатгина енгил сув ишлатиш керак. Сифатли сув топилмасе ўрнига мева, сабзавот, тарвуз ейиш, мева-сабзавот сувлари ва янги қатиқ суви ичиш керак. Тананинг табиий нам йўқотишини тезлатган, сув-туз мувозанатини бузган сунъий, қўшимчали тузлар ва барча қўшимча моддалар таомлардан узоқ туриш керак.

## МУСКУЛ ВА СУЯК КАСАЛЛИКЛАРИ

Ревматик касалликлар “Ревматизм” синфига 200 га яқин касаллик кирди:

Бўғим ревматизмлари: остеоартрит (бўғим охакланиши), роматоид артрит (бўғим ялиғланиши);

Умуртқа ревматизмлари;

Подагра;

Баҳчат касаллиги;

Юмшоқ тўқима ревматизмлари (фибромиялгия, бўйин, бел оғриқлари каби);

Томир ревматизмлари (васкулит);

Безгак, люпис ва б.

Буларнинг орасида энг кўп кузатилган - суяк эришидир (остеохондроз).

Ревматик касалликлар умуман бўғимлардан бошланади, кейин ўпка, юрак, жигар, буйрак, мия каби ички аъзоларга ўтади. Бу аъзоларда бошда томир ревматизми (васкулит) юзага келади. Васкулит эса буйрак, юрак фаолиятининг нормал эмаслиги ва нафас қисилишига сабаб бўлади.

Бугун ревматик касалликларнинг тиббий давоси йўқ ва ишлатилган тиббий дориларнинг жиддий, зарарли ён таъсирлари бор ҳолос.

Ревматик касалликларнинг сабаби, барча бошқа касалликларда бўлганидек, мизожга тўғри келмаган озукалар, кўп ва аралаш ейиш, тайёр, қўшимчали таом ва ичимликлар, синтетик дори-дармонлар, кимёвий моддалар ва ҳаракатсизликдир.

Қон гуруҳи “О” бўлганлар буғдой ва сут маҳсулотлари сабабли ревматик касалликларга бошқа қон гуруҳлиларга

қараганда кўп учрашади. Чунки қон гуруҳи “О” бўлганлар буғдой ва сут маҳсулотларини ҳазм қила олмайдилар.

“О” гуруҳининг иссиқ сафроси сут ва сут маҳсулотларини ёқиб оҳакка айлантиради, тўпланиб томирларга, аъзоларга ва тўқималарга юборилади. Бўғимларда оҳакланиш ва томир ревматизмига замин хозирлайди.

Ҳазм қилинмаган буғдой маҳсулотларининг қолдиқлари юмшоқ тўқима ревматизми, бўғим ялиғланиши ва турли оғриқларга сабаб бўлади.

Ишлатилган қўшимча моддалар таомлар, кимёвий маҳсулотлар ва синтетик дори --дармонлар касалликнинг жараёни тезлатади ва қаттиқлаштиради.

Қон гуруҳи “В” бўлганларнинг сийдик йўллари ва буйрак ишлаши тузилиш жиҳатдан паст бўлгани учун туз ва токсинларни танадан етарли даражада чиқара олмайди ва шу тарз ревматик касалликларга замин хозирланади.

Қон гуруҳи “А” бўлганларнинг ҳолати эса “Тери Касалликлари” бўлимида айtilган.

Ревматик касалликларнинг умумий давоси:

Эрталабдан қултумлаб дафна барги суви ичишни бошлайдилар. 3 кун давомида амалда қўлланади. 30 гр қизил лавлаги суви + 170 гр исмалоқ суви + 50 гр сув аралашмаси дафна барги суви билан аралаштирилиб, соат 16:00 гача 3-4 марта ичилади.

Қизил лавлаги сувига кунда 30 грамм

билан бошлаб ҳар 3 кунда 10 граммдан кўпайтирилади: 40, 50, 60 гр... Кунлик 100 граммга чиққанида 100 гр қизил лавлаги суви + 100 гр исмалоқ суви + 50 гр сув аралашмаси ичилади.

(Исмалоқ суви ўрнига мавсумига қараб семизўти суви ёки сабзи суви ишлатиш мумкин).

Тушлик (16:00): Салат билан сабзавот овқати ейилади. Сабзавот ўрнига ҳафтада 1-2 марта гўшт ва 1-2 марта балиқ салат билан бирга ейилиши мумкин.

Кечки овқат: Мева ёки тўғралган қизил лавлаги ва сабзи, исмалоқ, семизўти, индов, петрушка, сачратки, саримсоқ, пиёз, лимон суви ва зайтун ёғи билан қилинган салат ейилади.

Ҳар душанбада 36 соатлик очлик тутилади.

Ҳар пайшанба соат 19:00гача хоҳлаган миқдорда қизил лавлаги суви аралашмаси, ёки грейфрут суви, ёки лимон суви ичилади. Масалан: Эрталаб соат 07:00да қизил лавлаги суви аралашмаси, соат 09:00да грейфрут суви, соат 11:00да қизил лавлаги суви аралашмаси... шаклида кечгача амал қилинади. Бошқа нарса ейилмайди.

Соат 19:00да ўнг ёнга қараб ётилади, жигар устига илиқ (иссиқ эмас, илиқ!) сув халтаси қўйилади. 30 гр инглиз тузи (магнезиум сульфат) 1 пиёла сув билан аралаштирилиб ичилади, 1,5 соат турмасдан ётилади. Шу тарзда сафро қосади тозаланади.

Шундай қилиб, 4 ҳафта битганидан кейин 3 кун очлик тутилади, 4 кун мева суви ичиб, кечкурун жигар тозаланади.

(Давоми кейинги саҳифада)

## МУСКУЛ ВА СУЯК КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)  
("Жигар тозаланиши, 3-нчи кун")  
бўлимига қаранг.)

Барча касалликларда бўлганидек, ревматик касалликларда ҳам 10 кунлик оралар билан жигар тозаланиши, охак тозаланиши, кон тозаланиши, буйрак ва қовуқ тозаланиши - энг яхши даводир.

Икки тозаланиш орасидаги ҳар душанба куни 36 соатлик очлик тутилиши керак.

Илк очликдан бошлаб, ҳар очлик куни кон олдирилиб (хожамот) турилади.

Хожамот қилдириш керак бўлган нуқталар:

қураклар ораси ва ости; • бош; • елкалар; • бел ва думғаза; • тиззалар усти; тиззаларнинг ости; • болдирлар; • билаклар.

Ҳар баҳор ва кузда қуйидаги жойларга зулук қўйилади:

оёқ бармоқлари, болдир ва тиззаларга, жаъми 14 дона,

3 ҳафтадан кейин қўл бармоқлари, билак ва тирсакларга, жаъми 14 дона,

3 ҳафтадан кейин энса чуқурининг остидан бошлаб думғазагача умуртқа хатти (линияси) устига 14 дона,

3 ҳафта кейин анусга 9-11 дона зулук қўйилади

Зулуклар тушгандан кейин, кесиклар ўрнига банка қўйилади.

Тозаланишларни қилган касал ўзини мукамал соғлиқли хис қилади. Ҳатто "мен яхшилашдим" дея олади. Аммо бу адаштирувчи хисдир. Тозаланишлар тугаганидан кейин 3 кунлик очликлар 4-7 кунлик танаффус билан 17 марта қилинади.

Ревматизм каби жиддий безовталанишдан қутулиш учун қўлланиладиган даво муддати камида 1-2 йил. Бу муддатда ҳафта 1 кун ёки 3 кун, ҳижрий 13, 14, 15 кунлар очлик тутилади. Зарарли таомлардан қочиш керак. ("Соғлиқни Сақлаш учун Умумий Тавсиялар" бўлимига қаранг.)

Умр бўйи табиий озикланишга диққат қилиш лозим.


Ҳафтада 1-2 марта тузли сувда ҳаммомга тушилади:

Ванна ичида 2 кг тош тузи эритилади. Аввал илиқ ваннага кейин сув иссиқлиги кўпайтирилади. Сувнинг иссиғи аста секин кўпайтирилиб, чидашга қараб кўтарилди. Сув - юрак ташқарида бўлган юксакликка - кўкраккача келиши керак.

Қайин дарахти, окалиптус, дафна ёки эман дарахти шохлари тўпланиб, супурги шаклига келтирилади. Бу супургини иссиқ сув ичида 15 дақиқа тургандан кейин қўл, елка, бел, умуртқа, кўкрак ва корин атрофи, оёқ ва хусусан бўғимлар кизаргунча яхшилаб саваланади.

Кон айланишини тезлаштириб, танада тўпланган охак ва токсик моддаларни эритиб, бу моддаларни тери воситасида ташқарига чиқаришга ёрдамчи бўлган бу усулни маданий қайнарбулоқ, саунада ёки денгизда қилиш янада фойдали.

Ҳаммомда кичик қултумлар билан



лимон, грейфрут, тарвуз ёки арпа суви ичиш янада фойдали бўлади.

Янги газандадан таёрланган супурги ҳам бу шаклда ишлатилиши мумкин.

Фақат газанда супургиси ҳаммомда эмас, алоҳида қўлланилади.

Газанда супургиси бутун вужудга ишлатилади. Масалан, биринчи кун қўллар ва елкалар, бир кун кейин бел, умуртқа ва бўксалар, эртаси кун кўкрак ва корин атрофи, эртаси кун корин, бел ва оёқлар, бир кун ўтказиб, бутун тана учун ишлатилади.

Кейин 3 кун танаффус қилиб эҳтиёжга кўра ишлатилади.

Ревматизм ва бўғим касалликларини бутунлай йўқотадиган таомлар:

Ревматик касалликларда янги кўкат ейиш яхши натижа беради. Газанда, исмалок, индов, семизўти, шивит, қоратундак, петрушка, кашнич, сарсабил, сутчўп (сутгикон), карам, селдир, қизил лавлаги, сабзи, яшил ва қуруқ пиёз, саримсоқ, турп турлари, янги кўқарган арпа ревматик касалликларнинг давосидир.

Мевалардан: гилос, олча, олма, узум, анжир, ўрик, грейфрут, лимон, анор, апелсин, мандарин, тарвуз ейиш ва сувларини ичиш тавсия этилади. Таомларда барча кўкатлар, пўстли дуккакли ўсимликлар, нўхот ва гуруч ишлатиш мумкин. Аммо картошка, фақатгина буғда пўсти билан пиширилиб ейиш мумкин.

Ҳафтада 1-3 марта мизожга уйғун гўшт ейиш мумкин. ("Тўшг" бўлимига қаранг.) 1-3 марта балиқ, 1-2 марта янги тухум ва 1-3 марта қўй, эчки, брынза, бурдук пишлоқлари ёки эски пишлоқлари ейилиши мумкин.

Аммо пишлок, тухум, балиқ ва гўшт фақат янги кўкатлар билан ейилиши мумкин.

Умумий даволаниш давомида ишлатилган сабзавот сувлари аралашмалари:

140 гр сабзи суви + 30 гр селдир япроғи ёки петрушка суви + 30 гр

сачратки суви + 50 гр сув аралашмаси.

200 гр семизўти суви + 30 гр петрушка суви + 50 гр сув аралашмаси.

100 гр исмалок суви + 100 гр сабзи суви + 50 гр газанда суви + 50 гр сув аралашмаси.

тенг миқдорда сабзи ва қизил лавлаги суви + 30 гр петрушка барги ёки сачратки суви + 50 гр сув аралашмаси.

Ёзда:

1 литр сув + 1 ош қошиқ асал + 1 ош қошиқ янги эзилган аччиқ қовун суви (қон гуруҳи "А" бўлганларга 2 ош қошиқ) + 1 ош қошиқ янги эзилган занжабил + 2 ош қошиқ янги эзилган селдир барги суви аралашмаси кун давомида

қултумлаб ичилади. 1 ҳафта танаффус билан 3 марта такрорланади. Бу аралашма ревматик касалликларга фойда бергани каби, қонни ва аъзоларни тозалайди, сийдик ва ҳайзни кўпайтиради, балғам туширади.

Қишда: 20 гр дафна барги 1 литр сув билан 3-5 дақиқа қайнатилади. 20-30 дақиқа дамланиб сузилади. 3 кун давомида қултумлаб ичилади. Бу чой ҳам барча бўғимларни тозалайди.

Баданнинг муайян бўлгаларига қўйиладиган малҳамлар :

қурилган аччиқ қовун меваси ёки томиридан 100 гр олинади 500 гр сув билан паст оловда 15 дақиқа қайнатилади ва бир оз совутилиб сузилади. 500 гр сув ўрнига 200 гр сув + 300 гр табиий сирка қўшилса янада самарали бўлади. Бу сувда намланган пахтали мато, оғриган бўғимларга қўйилади ва қуригунча туради.

Ёки: Оғриган ерларга 1-2 ҳафта давомида аччиқ қовун суви яхшилаб сурилади. Оғрик тез пасаяди ва йўқолади. Кунда 6-10 миқдор аччиқ қовуннинг суви ишлатилиши мумкин.

Ёки: Аччиқ қовун янги япроқлари, шохлари ва пишган мевалари эзилади, ёғли қоғозларга қўйилиб, яллиғланган бўғимларга, яллиғланган шишларга ёки оғриган жойга сурилиб жойлаштирилади. 4-5 соат туради.

Эслатма: аччиқ қовуннинг уруғлари ва пишмаганлари ишлатилмайди, захарлидир.

Узун бир мато(без) 70 гр аччиқ қовун ёғи билан ёки 50 гр аччиқ қовун суви + 20 гр дафна ёғи аралашмаси билан намланади ва умуртқа хати устига қўйилади. Ёғли қоғоз билан ёпилиб бойланади ва ёпинчик билан ёпилади. Кечдан эрталабгача (қон гуруҳи "А" бўлганлар учун 10-11 соат, бошқалар учун 8-9 соат) туради.

Барча ревматик касалликка ишлатилган ва 3 ойда бир такрорланса бўладиган бу компресс токсик моддаларни чуқур жойлардан чиқаради, токсинлар қусиш, сийдик, ич кетиши ва терлаш билан ташқари чиқади.

Ёки: бир миқдор дафна барги туйилади, сирка ва келакли буғдой уни билан хамир қилинади. Бу хамир шиш ва оғриган бўғимларга сурилиб жойлаштирилади ва бир кеча қолади. Ёки дафна ёғи билан компресс қилинади. Бу жараёнлар яллиғланишнинг олдини олади, оғрикни тиндиради.

### ОЙДИН СОЛИХ

"Ҳақиқий тиббиёт" китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



"Эркин Юрт" интернет-газетаси  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолддин Йўлдош**